O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 22 декабрь, № 263 (3538) Чоршанба

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида

***Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш мақсадида ҳамда ёзувчи таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика "Маънавият ва маърифат" Кенгашининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2005 йилнинг май ойида "Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти" мавзусида илмий конференцияни ҳамда адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни ўтказсин.

3. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги адибнинг асарларини саҳналаштириш, Фанлар академияси билан биргаликда Ойбек уй-музейининг экспозициясини бойитиш бўйича ишларни амалга оширсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда таълим муассасалари ва кутубхоналарда адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, ойбекхонлик кунлари, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Ойбек асарларини ҳамда "Ойбек замондошлари хотирасида" китобини чоп этишни режалаштирсин.

6. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм яратсин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ойбек сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ва конвертлар туркумини чиқарсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси ва республика оммавий ахборот воситаларига адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар чоп этиш, юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 декабрь.

# 26 декабрь
## Халқ. Демократия. Сайловлар



*Шу кунларда сайлов участкаларида иш жуда қайнаган. Мисол учун, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 553-сайлов участкасини олайлик. Бу ерда ҳозиргача Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига, шаҳар ва туман Кенгашларига кўрсатилган номзодлар билан сайловчиларнинг ўнга яқин учрашуви ташкил этилди. Ҳар бир учрашувда уч юз нафаргача сайловчи қатнашганини инобатга олсак, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётганини сезиш қийин эмас. Ушбу участка сайлов комиссияси ҳар бир номзодга бир хил имконият ва шароит яратиб беришдан ташқари сайлов кунига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, овоз бериш хоналарини тахт қилиш, сайловчилар рўйхатларини чиқариш ҳаракатида бўлмоқда. Мақсад — сайловчиларнинг онгли равишда овоз беришини таъминлашга эришиш.*

**СУРАТДА: 553-участка сайлов комиссияси навбатдаги иш устида.**

**Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Сўз — хорижий меҳмонларга

**Давид ШЕХТЕР, Қуддус ва этник диаспоралар ишлари бўйича вазир маслаҳатчиси:**

— Энг аввало, ҳар бир сайловчи кутилаётган тадбирнинг холис ва эркин тарзда ўтаётганини ҳис қилиши лозим. Бунга барча асослар борлигига ўзим амин бўлдим. Сайлов комиссияси, масъул органлар ва оммавий ахборот воситалари партиялар ва мустақил номзодларнинг ўз дастурларини аҳолига етказишда тенг шароитлар яратилишини таъминламоқда. Бу ҳам сайлов жараёнида эришилган ютуқлардан дейиш мумкин.

Биз пойтахт шаҳрингизда юриб, ўзбек халқининг сайловларга қизиқиши жуда юқори эканлиги ва уларнинг фаоллигига гувоҳ бўлдик. Дарвоқе, Тошкентнинг сўнги йилларда бутунлай ўзгариб, янада чирой очганини алоҳида айтиб ўтишни истардим.

Мазкур сиёсий тадбирнинг ўтказилишида халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эгалиги барчага маълум. Чунки уларнинг сайлов комиссияси ва участкаларида ўзини қизиқтирган барча маълумотларни олиши мумкинлиги, кузатувчиларга берилаётган эътибор ҳам сайловларга жиддий тайёргарлик кўрилаётганидан далолатдир. Яна буларнинг барчаси ушбу сиёсий тадбир очиқ ва эркин руҳда ўтишини таъминлашга кафолат бўла олиши мумкин.

Муҳими, сайловчилар бу тадбирда фаол қатнашса, юртингизда демократик жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларга ҳиссасини қўшиш билан бирга, ўз виждони олдида ҳам жавоб берган бўлади, деб ўйлайман.

**Анна БРАНДИ, Париж шаҳри 11-туман мэрининг ўринбосари, француз жамоатчилик уюшмасининг бош котиби:**

— Мамлакатингизда икки палатали парламент барпо этиш, уни шакллантириш бўйича ўтказилаётган сайловлар дунё ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Мен ҳам шу сабабли мамлакатингизга келдим. Маълумки, Францияда ҳам икки палатали парламент фаолият кўрсатади. Сиёсатчи сифатида юртингизда бу борадаги ўзгаришларни кўриб, хурсанд бўлдим.

Мен мамлакатингизда ўтказиладиган сайловларда мустақил ташаббускор гуруҳларнинг фаолияти билан яқинроқ танишишга ҳаракат қилдим. Айтиш мумкинки, улар ҳам бугунги кунда жиддий қарашларга эга сиёсий кучга айланган.

Фурсатдан фойдаланиб, бизда ҳозир Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчи эдим. Турмуш ўртоғим Франция Бош вазирининг стратегик масалалар бўйича маслаҳатчиси, яна у ноширлик фаолияти билан ҳам шуғулланади. Иккимиз Париж ва мамлакатимизнинг бошқа қатор шаҳарларида Ўзбекистон ҳаётига бағишланган бир нечта кўргазма уюштирдик. Яқинда Парижда Дўстлик жамияти туздик.

Сайловлар мавзуига қайтадиган бўлсам, ҳозир мазкур сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш учун яхши шароитлар яратилган. Айни пайтда мамлакатингиз катта ўзгаришлар арафасида турибди. Унинг қай даражада самарали бўлиши овоз берувчиларнинг фаоллигига жуда-жуда боғлиқдир.

**С. ДОНИЁРОВ**
**ёзиб олди.**

## ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИНГ ЯНГИ КЎРИНИШИ

***шаклланаётгани мамлакатингиз тарихидаги муҳим сиёсий воқеадир, — деди Жон Салленс ЎзА мухбирига.***

Мамлакатимизда 26 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга кўплаб ривожланган давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар таклиф этилган. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг /ЕХҲТ/ Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссияси жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишмоқда.

Фарғона вилоятида иш олиб бораётган Жон Салленс ва Андреас Кольшуттер ҳам ЕХҲТ вакиллари.

— Ўзбекистонда парламентаризмнинг янги кўриниши шаклланаётгани мамлакатингиз тарихидаги муҳим сиёсий воқеадир, — деди Жон Салленс ЎзА мухбирига. — Саноқли кунлардан сўнг ўтадиган сайловлар демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора ўтишига ишонаман. Чунки мамлакатингизда бу тадбирга тайёргарлик қизғин. Биз бу жараён билан жиддий танишишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозиргача бир неча сайлов округи ва участкаларида бўлдик, сайловчилар билан учрашдик. Шунингдек, юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан ўзгаришлар, айниқса, ўзбек халқининг бой тарихи, қадриятлари, қадимий обидалари ва замонавий иншоотлари бизда катта қизиқиш уйғотди.

— Фарғонанинг сўлим табиати, халқингизнинг меҳмондўстлиги менга жуда ёқди, — дейди Андреас Кольшуттер. — Мен Ўзбекистоннинг қадимий тарихга эга ўлка эканидан хабардор эдим. Қўқон шаҳридаги меъморий ёдгорликлар, музейларни бориб кўрганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Келгусида юртингиз бўйлаб сайёҳатда бўлиш ниятидаман.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

***"Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча равишда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. 2005 йил 1 январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

2005 йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилади;

ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005 йилнинг январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланади;

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисоб рақамларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланади.

3. Қуйидагилар:

Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низом;

Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига шахсий тартиб рақами бериш паспорт тизимига мувофиқ аниқланадиган фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун фуқароларнинг идентификация рақамларини (шахсий кодини) аниқлашда ва Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очишда хўжалик юритувчи субъектларга зарур ёрдам кўрсатсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахс ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2005 йил 5 январгача бўлган муддатда иш берувчилар жойлашган жой бўйича Халқ банкининг туман (шаҳар) филиалларига белгиланган шаклларга мувофиқ ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

Маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши, уларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

6. Халқ банки 2005 йил 1 мартгача бўлган муддатда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақ-

(Давоми 2-бетда).

## БАЛО-ҚАЗО ҚЎЗҒАЛГАН ЖОЙИГА ҚАЙТАДИ

2004 йил якунланишига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Ҳар бир ўзбекистонлик учун бу йил одатий ташвишлар ва умидлар билан ўтди. Умидлар шу маънодаки, биз давлатнинг шаклланиш жараёнида бугунги ва кечаги — табиий ҳамда тушунарли хатоларни такрорламаймиз. Хўш, шундай хатолар бўлганмиди? Албатта. Қувонтирувчи ва рағбатлантирувчи ютуқ ва муваффақиятларимиз каби қусурларимиздан ҳам кўз юмолмаймиз.

Ҳаётимизда рўй бераётган барча воқеалар табиий жараёндир. Давлат мустақиллигининг ривожланиш жараёнлари бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, бундай жараён ҳеч бир халқда беозор ва сип-силлиқ кечмайди.

Давлат ривожининг тадрижий жараёнида жамиятимиз сиёсий, этник ва конфессионал аломатларга кўра ягона ҳамда бўлинмасдир. Мамлакат учун муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеалар арафасида ҳаётимизни тескари талқин қилувчи дин ниқобидаги баъзи кимсалар ва сиёсатдаги маҳмаданаларнинг бир ҳовучи эса бутун халқ қиёфасини белгилай олмайди.

Бизнинг бирлигимиз — бебаҳо бойлигимиз. Албатта, бу жипслик ғаразли кимсаларнинг ғашини келтиради. Шунинг учун улар мустақилликнинг барча йилларида мамлакатимизда яшовчи халқларнинг маънавий ўзаги — бағрикенглик ва азалий анъаналаримиз ҳамда қадриятларимизга рахна солишга тинимсиз уриниб келишди.

Бундай хуружларга бардошли бўлишимизга халқимизнинг ажралмас хислатларидан бири — қўшниларга яхши муносабатда бўлиш фазилати ёрдам беради. Ён қўшни яхши ва ёмон кунда ҳам жон қўшни бўлиб қолаверади. Яхши қўшничилик муносабатлари ҳамиша бизнинг заминимизда ва қўшниларимиз яшаётган тупроқда осойишталик, барқарорлик ва тинч-тотувликнинг таркибий қисмидир. Фақат бу оддий ҳақиқатни тан олмаганларни тушуниш қийин.

Халқаро сиёсий ва иқтисодий омилларнинг мураккаб жойлашувида Марказий Осиё минтақаси ва унинг аҳолиси — кўзга ташланиб турадиган воқеликдир. Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг ижтимоий онгига таъсир кўрсатиш эса кўпгина мамлакатларнинг узоққа мўлжалланган режаларидан биридир. Биз ва қўшниларимиз яхши қўшничилик анъаналарига таянган ҳолдагина бу қутқуга бардош бера олишимиз мумкин.

Афсуски, Марказий Осиё давлатларида радикал диний экстремизмнинг тарқалиши ва унинг Ўзбекистонда пайдо бўлиши билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилар эканмиз, беихтиёр минтақа узра «Агар уйингга ёвузлик кирсаю ва сен уни йўқотолмасанг, қўшнингга юбор. Натижада ёвузлик сенга тегмайди» қабилида янги, ғалати бир ақида вужудга келмаяптимикин, деб ўйлаб қоласан. Ва бу бежизга эмас.

Кўп йиллар муқаддам барча тирқишларигача бекитиб ташланган жим-жит хонадонда, катта кўм-кўк абажур лампаси шуъласи остида Покистон ва Саудия Арабистони махсус хизматининг хосиласи бўлмиш «М» деган дастур туғилди. Дастурнинг барча бандлари Марказий Осиё республикаларига қаратилганди. Аксарият қисми Ўзбекистон Республикасига дахл қиларди. Хўш, нега Ўзбекистон танланди? Атеистик тарғибот шароитида ислом динига сиғинадиган фуқароларнинг салмоғи кўплиги учунми? Лекин мўмин-мусулмонлар ҳеч кимга озор беришни ўйлашмаган. Нега уларни ички конфессионал низоларга восита қилишга айлантириш керак бўлиб қолди, гап шунда.

«М» дастурининг бандларидан бирида ислом шовинизмини авж олдириб, секин-секин минтақада «бошқарувнинг ислом шакли»ни ўрнатиш кўзда тутилганди. Таъкидлаш керакки, исломий эмас, балки айнан исломпарастлик, яъни дунёвий бўлмаган ва Марказий Осиё минтақаси учун мутлақо ноанъанавий бошқарув шакли тақдим этиларди.

(Давоми 2-бетда).

**Сайловдаги фаол иштирокимиз — ўз тақдиримизга фаол муносабатимиздир**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

дим этилган маълумотлар асосида ходимлар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишини, улар учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамлари очилишини ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилишини амалга оширсин.

Кейинчалик фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш зарур маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилиши назарда тутилсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишининг тўлиқлиги тўғрисида ахборот берсин.

7. Халқ банки 2008 йил 1 январгача бюджетга солиқларнинг барча турларини тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очиш ва юритишга доир операция харажатларини компенсация қилишга мақсадли йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамлари очиш имконини берадиган маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш чора-тадбирларини кўрсин;

2005 йил 1 июлгача бўлган муддатда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барча даражаларида маълумотлар айирбошланиши ва уларнинг ишончли ҳимоя қилиниши имкониятини назарда тутувчи ягона маълумотлар электрон базасининг моддий-техник асоси шакллантирилишини ва унинг дастурий таъминланишини таъминласин;

жамғариб бориладиган пенсия тизими ишлашини таъминлаш учун Халқ банкининг ҳудудий, туман (шаҳар) филиаллари ходимларини тайёрлаш ва ўқитишни бир ой муддатда амалга оширсин.

9. Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

компьютер техникаси сотиб олиш, ягона маълумотлар электрон базасини шакллантириш ахборот тизимининг пухта ишлашини таъминловчи электрон дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

зарур миқдорда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар бланкаларини ва жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олиш бўйича маълумотларни тақдим этиш шаклларини тайёрлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкка асосланган таклифларни тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига кўрсатиб ўтилган харажатларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари бўйича таклифлар киритсин.

10. Халқ банки ўн кун муддатда, ўзининг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда киритсин, Халқ банкининг марказий аппаратида Халқ банкининг ҳудудий, туман (шаҳар) филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга олиш, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш ва жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш бўйича тегишли бўлинмаларга эга бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармасини ташкил этсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 февралгача жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармаси ва тегишли ҳудудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва ходимлари сони бўйича зарур таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқ банки корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ходимлари учун методик қўлланмалар, кўрсатмалар ва йўриқномалар ишлаб чиқилишини таъминласинлар, жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаолият кўрсатиши масалалари юзасидан хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари билан семинарлар ўтказилишини ташкил қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича зарур ташкилий ишларни амалга оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Р.С.Азимов), Марказий банк, Молия вазирлиги, Халқ банки 2005 йил 10 январгача:

"Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ушбу қарорда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳудудий семинарлар ўтказсинлар;

ҳар қайси вилоятда вужудга келган муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда мазкур тадбирларни амалга оширувчи тузилмалар тармоқлари ходимлари сонини белгиласинлар.

13. "Ўзтелерадиокомпания", Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ахборот воситаларида мавзули эшиттиришлар ва мақолалар туркумлари ташкил этиш, мутахассисларни жалб этган ҳолда маърузалар ва учрашувлар уюштириш йўли билан жамғариб бориладиган қўшимча пенсия тизимининг механизми фаолияти ва афзалликларини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 декабрь.

# Ёшлар — юрт фахри



## Синхрон сузувчиларимизнинг янги йил совғаси

*Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида синхрон сузиш бўйича ўтказилган халқаро турнир ва Малайзия очиқ чемпионатида мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли қатнашишди.*

*Ўн икки давлат вакиллари иштирок этган халқаро турнирда Наталья Корнеева ва Валентина Попова жуфтлиги олтин, яккалик баҳсларида Дарья Можаева бронза медали соҳиби бўлишди.*

*Малайзия очиқ чемпионатида эса Д. Можаева, Н. Корнеева ва В. Поповалар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой эгалладилар. Шунингдек, умидли ёш спортчиларимиз Фотима ва Зуҳра Умирбоеваларнинг чиқишлари ҳам синхрон сузиш ишқибозлари томонидан илиқ кутиб олинди. Бу ютуқ синхрон сузувчиларимизнинг ҳамюртларимизга янги йил совғаси бўлди.*

## Абдулланинг олтин медали



*15-20 декабрь кунлари Москвада талабалар ўртасида дзюдо бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 47 та мамлакатидан келган олимпиада, жаҳон ва Европа чемпионлари, нуфузли халқаро турнирлар совриндорлари ғолиблик учун гиламга чиқдилар*

Мусобақанинг биринчи куни ҳамюртларимиз Чингиз Бойматов ва Ўткир Қурбоновлар саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказган бўлсалар-да, якунда бешинчи ўрин билан кифояланишди. Жамоа сардори Абдулла Тангриев юз килограммдан оғир вазн тоифасида финалгача етиб келди. Финалда у москвалик икки карра жаҳон чемпиони Александр Михайлин билан бел олишди. Тажрибали рақибига қарши тенгма-тенг кураш олиб борган ҳамюртимиз ажойиб усул қўллаб олдинга ўтиб олди. Лекин, афсуски ҳакамлар унинг бу ҳаракатини ҳисобга олишмади. Қўшимча вақт белгиланди. Унда ҳам вакилимиз яққол устунликни сақлаб қолди. Фақат ҳакамларнинг нотўғри хатти-ҳаракати сабабли Абдулла кумуш медали билан кифояланишга мажбур бўлди.

Мусобақанинг иккинчи куни ўзбекистонликлар учун омадли келди, деб бемалол айтиш мумкин. Тошкент Давлат аграр университети талабаси Шокир Мўминов ўз вазн тоифасида тенгсиз эканлигини исботлаб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Самарқанд давлат университети талабаси Хуршид Набиев эса бронза медалини қўлга киритди.

Мутлақ вазн тоифасидаги беллашувларда энг номдор спортчилар ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Унда жамоамиз сардори, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Абдулла Тангриев Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У барча рақибларини енгиб, мутлақ вазнда жаҳон чемпионати олтин медали билан тақдирланди. Шундай қилиб ҳамюртларимиз талабалар ўртасидаги жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Кеча Тошкет давлат иқтисодиёт университетида ғолиб спортчиларимизни тақдирлаш маросими бўлди. Унда чиқиш қилган олий ва ўрта махсус таълим вазири ўрибосари А. Ворисов ТДИУ ректори С. Ғуломов ва бошқалар дзюдочиларимизни эришган муваффақиятлари билан қутлаб, уларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширдилар.

## «Биз гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз»

Кеча пойтахтимиздаги ЖАР спорт мажмуасида таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича 9-16 ёшли рангли белбоғга эга бўлган ўсмирлар ўртасида клублараро Ўзбекистон очиқ чемпионати бошланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, таэквондо ИТФ миллий ассоциацияси ҳамкорликда Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб «Ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қарши» шиори остида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада мамлакатимиз барча ҳудудларидаги 70 дан ортиқ клубларда шуғулланаётган 800 нафардан ортиқ ўсмирлар ва қизлар иштирок этмоқда.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзланган мақсад ёшларни оммавий спортга жалб қилиш, жаҳон спорт ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган терма жамоамиз захирасини тўлдириш, спорт орқали уларнинг турли ёмон йўлларга кириб кетишининг олдини олишдан иборат, — дейди Ўзбекистон таэквондо ИТФ миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов.

**Зиёдилла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

# Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси

*қонунчиликдаги ислоҳотларнинг бош мезонига айланиши керак*

Кеча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари, олимлар, амалиётчилар, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган "Инсон ҳуқуқларини таъминлаш адолатли жамиятнинг бош мезони" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда бу гап бот-бот такрорланди.

Конференция ишида инсон ҳуқуқлари, унинг тарихи, бугуни ва истиқболлари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ва уларнинг ўзбек қонунчилигига имплементация қилиниши, бу ҳуқуқ ва эркинликларни белгиловчи миллий қонун нормалари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш амалиёти, каби масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокамаларда ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос механизми яратилганлиги эътироф этилди. Дарҳақиқат, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро меъёрларнинг республикамиз Конституцияси ва Ўзбекистон қонунчилигида ўз ифодасини топганлиги мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу соҳага бўлган муносабат юқори даражага кўтарилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш мазкур вазирликнинг устувор вазифаси эканлиги уқтирилганди. Айнан ушбу қарорга асосан, Адлия вазирлиги таркибида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарманинг самарали фаолияти туфайли бир йил мобайнида маҳаллий давлат бошқаруви идораларига 217 та тақдимнома киритилди. Шундан 84 таси ҳокимликларга, 42 таси солиқ ва бошқа назорат қилувчи идоралар раҳбарларига таалуқлидир. Киритилган тақдимномаларнинг 155 таси айни кунга қадар кўриб чиқилиб, 87 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка (шундан 10 нафари вазифасидан озод қилинган) тортилган, 12 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий ва 2 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилган. Тақдимномаларни кўриб чиқиш натижасига кўра, 37 та ноқонуний қарор ва буйруқ бекор қилинган, 2 миллион 276 минг 576 сўмлик зарар эгаларига қайтарилган.

Анжуманда маъруза қилган ва муҳокамага чиққан иштирокчилар ҳам Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича аксарият халқаро шартномаларнинг ратификация қилиниши билан бир қаторда, бу борада ўзига хос механизмлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

**Эсиргап БОЛИЕВ.**



# «ЯНГИ АВЛОД» — БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А.ИВАНОВА).*

***Республика болалар ижодиёти фестивали "Янги авлод" деган рамзий ном билан аталди. Фестиваль "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилмоқда.***

Баркамол авлодни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларини аниқлаш ва уларнинг иқтидорини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш мамлакатимизда барчанинг энг муҳим вазифасига айланган. Бу борада қатор давлат дастурлари ва кўпгина жамоат ташкилотларининг лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундай ғамхўрлик самаралари яққол кўриниб турибди. Ўзбекистоннинг истеъдодли вакиллари ёш рассомлар, мусиқачилар, қўшиқчилар ва шоирлар нуфузли халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаб, ўз ижоди билан Ватанимиз, халқимиз довруғини жаҳонга ёймоқда.

Бугун болалар ижодиёти кўп қирралли маданиятимизнинг ажралмас қисми ва улкан салоҳиятини ташкил этади. Мазкур соҳада эришилаётган ютуқларни намойиш этиш, болаларнинг энг қизиқарли ижодий лойиҳаларини аниқлаш, жамоатчилик эътиборини ёш истеъдодларнинг ўзига хос оламига яна бир бор жалб этиш — фестивалнинг асосий мақсадларидандир.

Саралаш босқичи давомида мумтоз ва миллий мусиқани ижро этиш, қўшиқчилик, рақс ва тасвирий санъат, шеъриятда ўз истеъдодини намойиш қилган 30 нафар боланинг номи аниқланди.

28 декабрь куни улар Самарқанд шаҳрида яна бир бор ўз маҳоратини намойиш этади. У ерда илк Болалар ижодиёти маркази очилади. Марказ "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси шафеълигида фаолият кўрсатади. Фестивалнинг якуний босқичи эртаси куни Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтади. Унинг дастурига иқтидорли болаларнинг чиқишлари ҳамда ёш ижодкорлар тайёрлаган амалий ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси киритилган.

Ғолибларнинг гала-концерти ва уларни тақдирлаш маросими эса 30 декабрь куни Халқлар дўстлиги саройида ўтади. Бу Янги йил арафасида нафақат фестиваль иштирокчилари, балки барча санъат шайдолари учун ўзига хос совға бўлади. Гала-концертда ўзбек эстрадасининг таниқли вакиллари иштирок этади. Бундан ташқари фестивалнинг барча тадбирларида меҳмонлар — Москванинг "ДоМиСоль и К" болалар қўшиқлари театри артистлари ҳам қатнашади.

# БАЛО-ҚАЗО ҚЎЗҒАЛГАН ЖОЙИГА ҚАЙТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дастурнинг дастлабки натижаси — Намангандаги тартибсизликлар, Андижондаги ва бошқа вилоятлардаги ваҳшиёна қотилликлар бўлди. Ижрочилари ким дейсизми? 1992-1993 йилларда жиноий жавобгарликдан қочиб, Тожикистон, Афғонистон ва Покистонга йўл олган, ўз ортларидан нафақат қурбонларни, балки ниқобланган ҳамтовоқларини ҳам қолдириб кетган кимсалар эди улар.

Бу кимсалар кейинроқ Қозоғистон ва Қирғизистонга, Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларига ўрнаша бошладилар. Улар зимдан ва кўзга ташланмай яшардилар. Шунингдек, нафақат Саудия Арабистони ва Покистондан, балки Ўзбекистондан ҳам келувчи меҳмонларга пешвоз чиқиб, хуфявий исломчи миссионерларнинг топшириқларини яширинча бажардилар. Саудия Арабистони ва Покистондан келган меҳмонлардан «эътиқодни ўрганишди». Кейинчалик қўшни республикалардан келган меҳмонларга ҳам шундай «эътиқодни» сингдиришгач, ўзларининг хуфявий элчилари мақомини бериб орқага қайтариб юборишди.

Ўзбекистонда бундай элчилар халифачилик давлатининг яширин мафкурачилари мақомига эга бўлиб, Тошкентда тўқсон тўққизинчи йил февралидаги террорчилик хуружлари ижрочиларининг пистирмадаги диний, сиёсий таянчига айланишди, Қирғизистон чегара ҳудудидаги воқеаларга ҳам бевосита дахлдор бўлдилар.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистондаги бундай воқеалар билан бирга 1992-1993 йилларда Тожикистонда биродаркушлик уруши бошланиб кетди. Беш йил давом этган бу низоларнинг ҳамда «М» дастурининг туғилиш сабабларини бу ўринда таҳлил қилиб ўтирмаймиз.

Ихтилофларнинг диний раҳнамолари номларини ҳам айтиб ўтирмаймиз, негаки, улар отнинг қашқасидай барчага маълум — аввал кўп шарҳланган. Тожик халқининг бошига тушган кулфатларнинг уюштирувчилари, яъни 1992-1993 йилларда фаолияти Ўзбекистонда тақиқланган юқорида тилга олинган исломий ташкилотларнинг ёш фаоллари ҳам аллақачон жамоатчиликка маълум. Бир неча йил мобайнида улар Тожикистон ҳудудидан Афғонистон ва Покистонда жойлашган ҳарбий машқ лагерларига ёлланма куч сифатида яширинча йўл олишди.

Охир-оқибатда, ўз вақтида Тожикистондаги жангариларни ҳам ўз сафига қўшиб олган кимсаларнинг хатти-ҳаракатига айрим тоифалар томонидан сиёсий тус берилмаганида Ўзбекистонда қанчадан-қанча нохушликларнинг олдини олиш мумкинмиди?

Бу саволга жавоб бериш қийин эмас. Айтайлик, ўша йилларда Алмати ва Бишкек шаҳарларида барқарорликни бузиш ва аҳолида ваҳима ҳамда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик туйғуларини кучайтириш мақсадида турли босқинчилик ҳужумлари ва қотилликларни уюштирган Тоҳир Йўлдошев ва Жума Ҳожиев сингари жаллодларга молиявий манбалар яратиш ниятида бизнес марказлар ташкил этиш ҳақидаги қарорни шарҳлаш ҳам қийинчилик туғдирмайди. Шу йўсинда Қозоғистон ва Қирғизистон ҳукуматига эмас, балки Ўзбекистон ҳукуматига норозилик уйғотишни кўзда тутишганди.

Ким билсин, агар ўшанда Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда Тоҳир Йўлдошевнинг паспорти Қирғизистонга мансублигига эътибор қилишганида 1999 йил февралидан кейинги воқеалар қайси сценарий бўйича давом этарди. Яъни, унга «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш ташкилот эълон қилинганидан кейин Боткент район ички ишлар бўлими томонидан паспорт берилган эди. У айнан шу паспорт билан террористик ҳаракатлар қилишидан сал олдин бир неча бор Қирғизистонга, шунингдек, МДҲнинг бошқа давлатларига бориб келганди. Чунончи, соқолини вақти-вақти билан қириб, чегараларда таниб қолишларидан қўрқувга тушганди. У беҳудага соқолини олганди, барибир танишмади, аниқроғи, танишни исташмади...

Аммо бу ҳам Алмати рақамини таққан «Жип» автомашинаси каби бир хусусий ҳолдир. Бу машинадан эса Боткентдаги операция давомида Жума Ҳожиев ва унга ҳамроҳлик қилганлар фойдаланишган. Ҳеч бир чўчимасдан машина ҳайдашган, чунки улар Қозоғистон ва Қирғизистон фуқаролари паспорти ва ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлишган.

Юқорида келтирилган ҳолатлар — булар юзлаб мисоллардан баъзиларидир. Бу террористик бузғунчиликларнинг оқибати Ўзбекистонда 2004 йилнинг баҳори ва ёзида ҳам ўзини кўрсатди. Ким билсин, минтақада рўй берган бу воқеалар қўшниларимиз учун охир-оқибатда бало-қазо қаердан чиқса, ўша ерга қайтиб боришини англаб етиш бобида бир сабоқ бўлмадимикан?

Биз Марказий Осиё минтақасининг барча халқлари жипслашишимиз учун, экстремизм ва террорчиликка қарши амалда курашишимиз учун фурсат келмадими? Қўшнингдаги бало-қазо эртага яна кенг кўлам касб этган ҳолда сенинг ҳам уйингга кириб бориши мумкинлиги тўғрисидаги оддий ҳақиқатни тушунишимиз пайти келмадими?

**О. МУРАТОВ, сиёсатшунос.**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;

жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

**12-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбе-

8

Буклаш чизиғи

кистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

**13-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига маблағларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланилиши устидан назорат**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, шунингдек Халқ банкининг шу мақсад учун махсус ташкил этилган бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

**14-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини солиқ солишдан озод қилиш**

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.

9

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2005 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 декабрь.

16

Буклаш чизиғи



*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2004 йил**

Қирқиш чизиғи

ларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

**10-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларнинг шакллантирилиши**

Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи

6

Буклаш чизиғи

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

**18-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани ушбу Қонун 6-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролар иш берувчи орқали, ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган фуқаролар эса бевосита яшаш жойларидаги туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига берадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олувчига ариза туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ўз вақтида берилишини таъминлайди ҳамда берилган гувоҳномалар ҳисобини юритади.

**19-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишда танлаш ҳуқуқи**

11

Қирқиш чизиғи

Халқ банки:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул қадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**24-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлашни тугатиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

14

Буклаш чизиғи

қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари** – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари;

**жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари** – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари;

**жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи)** – жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс (бундан буён матнда иш берувчи деб юритилади);

**жамғариб бориладиган пенсия таъминоти** – фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи** – фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

**4-модда. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

3

Қирқиш чизиғи

**«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)**

**ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»**

**предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.**

*Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)*



| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 31.12.2004 г. |
|---|---|

**ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ** ГОСТ 3262-75:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ДУ 15х2,8 мм | 939000 | ДУ 40х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 939000 | ДУ 50х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 25х3,2 мм | 929000 | ДУ 100х4,0-5,0 мм | 986000 |
| ДУ 32х3,2 мм | 919000 | | |

**ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ** ГОСТ 10704-91; 10705-80:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 57х3,5 мм | 994000 | 108х3,0-4,5 мм | 994000 |
| 76х2,8-4,5 мм | 994000 | 114х3,0-6,0 мм | 994000 |
| 89х5,0 мм | 919000 | 159х5,0-6,0 мм | 1177000 |

*Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):*

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

## *Ёш мусиқачилар байрами*

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ва «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармаси ўзаро ҳамкорликда кейинги йилларда истеъдодли ёш мусиқачиларнинг анъанавий «Санъат ғунчалари» кўрик-танловини ўтказиб келаяпти. Мазкур кўрик-танлови умуман ёш авлоднинг мусиқага меҳрини кучайтириш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги ёшларнинг мусиқий салоҳиятини кашф этувчи бир тадбирга айланмоқда. Кўрик-танлов ғолибларидан баъзи бирлари чет элларда мусиқавий таълимни давом эттириб нуфузли жаҳон саҳналарида ҳам ўз истеъдодларини намойиш этмоқдалар.

Рассомчилик ва дизайн институтида шу кўрик-танловнинг навбатдаги босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 50 нафарга яқин ёш мусиқачилар иштирок этмоқда.

**М.ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**USAID Халқаро ривожланиш бўйича Америка агентлиги**
**Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича EDP лойиҳаси**

EDP Enterprise Development Project

**60 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИ БИЗНЕСДА ҲАМКОР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ ?**

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳа минтақавий савдони ривожлантириш хизматларини кўрсатиш учун ҳамкорларни излаётганлигини эълон қилади. Ҳозирги кунда 400 дан зиёд компаниялар бизнинг мижозларимиз бўлиб, уларга умумий қиймати 60 миллион доллардан ортиқ бўлган савдо битимини амалга оширишда ёрдам кўрсатилди.

Биз Марказий Осиёнинг кичик ва ўрта корхоналарига минтақавий савдо тармоғида маслаҳат ва дилерлик хизматларини кўрсатиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар орасида ҳамкорларни излаяпмиз.
Ҳамкорлар ривожланган кенг савдо тармоғининг қисмига айланиб, ягона электрон савдо майдончасига (www.smetradecenter.net) кириш орқали ҳам минтақавий, ҳам халқаро олди-соттиларни амалга оширишлари ва ўз минтақасидаги мижозлар учун савдо шерикларини ва сотув бозорини топиб бериш бўйича қатор пуллик хизматларни кўрсатишлари мумкин.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳа қизиқиши бор бўлган ташкилотлар, яъни хусусий маслаҳат, савдо, биржа компаниялари, савдо-саноат палаталари, бизнес-уюшмалари ҳамда бошқаларни мазкур лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилишга таклиф этади ва қизиқиш хатларини тақдим этишларини сўрайди.

**Ҳамкорларга талаблар:**

- минтақавий ва халқаро савдода фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат хизматлари кўрсатиш тажрибаси;
- ҳамкорлик тармоғида ишлаш учун хоҳиш ва малака;
- бир қатор информацион ва дилерлик хизматларини кўрсатиш учун институционал салоҳият;
- инглиз тилини биладиган малакали ходимлар;
- техник жиҳатдан таъминланганлик (компьютерлар, телекоммуникациялар, Интернет ва бошқалар).

Айрим ҳолларда тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаси томонидан янги хизматларни илгари суриш бўйича маркетинг тадбирларини ўтказиш учун чегараланган молиявий ёрдам кўрсатилиши мумкин.
Юқорида баён этилган талабларга жавоб берадиган қисқа қизиқиш хатини **2005 йил 10 январгача** қуйидаги электрон почтага юбориш лозим:
ytimaeva@pragma.kg

PRAGMA

*ЮСАИДнинг тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаси «Прагма» корпорацияси томонидан амалга оширилади.*

10288Н/1929

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТКнинг**
**КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ТЕХНИКАВИЙ ҚАЙТА ҚУРОЛЛАНИШ ДИРЕКЦИЯСИ**
**«Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон» янги темир йўл тизими (линияси)» объекти учун**
**пневмоғилдиракда юрадиган оғир юк кўтара оладиган автокранни етказиб бериш бўйича**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР) ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**



Буюртмачи – «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК.

Молиялаштириш буюртмачи маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташкилотлар ва корхоналар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Капитал қурилиш ва техникавий қайта қуролланиш дирекциясига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7-уй, 413-хона.**

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7-уй, 413-хона. Телефонлар: 138-88-81, 138-87-59.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — эллик минг сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соатигача қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7-уй. Оферталар эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан сўнг очилади.

10299Н/1989



**O'ZSANOATQURILIShBANK**
*Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари

2

Буклаш чизиғи

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом туганганда;

бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

**25-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этиладиган ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин.

**26-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**27-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 декабрь.

15

Қирқиш чизиғи

**15-модда. Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш**

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

Халқ банки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказади.

## III. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

**16-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

**17-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини айрим ҳолларда олиш ҳуқуқи**

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса,

10

Буклаш чизиғи

берилади. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақли.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

**11-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

7

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

**5-модда. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари**

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

## II. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**6-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиш**

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

**7-модда. Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида

4

Буклаш чизиғи

Халқ банкининг мазкур тўловчи олдидаги мажбуриятларини бажаришига таъсир қилувчи ўзгаришлар тўғрисида Халқ банки филиалига хабар қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**22-модда. Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчиларнинг мажбуриятлари**

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

**23-модда. Халқ банкининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Халқ банки:

жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

13

Қирқиш чизиғи

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга.

**20-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

**21-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловларни белгиланган тартибда олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларининг ҳолати тўғрисида, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ҳақида ахборот олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиб қолдириш.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи

12

Буклаш чизиғи

амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;

жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

**8-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди.

**9-модда. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси**

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўлов-

5

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи


**ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!** *ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги "Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 209-сонли қарорига мувофиқ Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиниши шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

**Танлов ўтказиш муддати — 17 январь 2005 йил.**
**Вақти — соат 11.00 да.**
**Ўтказиш жойи — Тошкент вилоят ҳокимияти.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.**

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезедентлари қатнашишлари мумкин. Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

**Танлов савдосида иштирок этиш шартлари**

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида - алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами яъни:

*а) ариза ҳужжатлар тўплами;*
*б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлар тўплами;*
*в) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш талаб этилади:*

- талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати);
- тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;
- таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари;
- бизнес-режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).

Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига топширилади.

**Инвестиция мажбуриятлари шартлари билан бепул бериладиган давлат активлари рўйхати**

| т/р | Корхона ва объект номи | Жойлашган жойи (тум., шаҳ.) | Устав фондидаги давлат активи фоизда | | Танлов шартлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | Шу жумладан давлат улуши | Фаолият турини (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдорининг ҳажми (млн.сўм) | Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати, йил |
| 1. | «ХАТП-23» ОАЖ | Паркент тумани | 100% | 25% | фаолият турини сақлаб қолиш | 90,0 | 2 |

**Инвестиция мажбурияти шартлари билан бепул бериладиган давлат объектлари рўйхати**

| т/р | Корхона ва объект номи | Жойлашган жойи (тум., шаҳ.) | Танлов шартлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари | Фаолият турини (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдорининг ҳажми (млн.сўм) | Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати, йил |
| 1. | «Қалдирғоч» болалар боғчаси | Бўка тумани | тўлиқ мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолиш | 30,0 | 1 йил |
| 2. | «Қуёшча» болалар боғчаси | Зангиота тумани | тўлиқ мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 40,0 | 1 йил |
| 3. | «Ғунча» болалар боғчаси | Зангиота тумани | тўлиқ мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 50,0 | 1 йил |
| 4. | Инфекцион касалхонанинг эски биноси | Янгийўл тумани | тўлиқ мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 50,0 | 1 йил |
| 5. | Туберкулёзга қарши диспансернинг эски ҳисобхона биноси | Ўртачирчиқ тумани | тўлиқ мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 8,0 | 1 йил |
| 6. | Болалар сут ошхонаси | Оҳангарон шаҳар | тўлиқ мулкий мажмуа тарзда | фаолият турини сақлаб қолмаслик | 49,0 | 1 йил |

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19- уй, Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси. Телефонлар: 132-06-76, 133-67-22, 133-78-75, 136-06-27.



РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
**ЛИНОЛЕУМЛАРНИ**
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

**Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.**




**Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.**

*Товар сертификатланган*


«Ўзбектелеком» Акциядорлик компанияси жамоаси «Навоий Телеком» филиали директори Базарали Тунгишбаевга отаси

**Ибрай НУРУМБЕТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелеком» Акциядорлик компанияси жамоаси етакчи мутахассиси Алишер Абдураззоқовга отаси

**Алимжон АБДУРАЗЗОҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль йўллар институти жамоаси институтнинг ўқув услубий таҳририяти муҳаррири

**Амир АҲМЕДОВнинг**

оламдан ўтганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —264. 21387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 23456